
“ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ”; ТАНЛОВИНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган "Энг улуғ, энг азиз" анъанавий республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Кинематография агентлиги, Бадий академия, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Республика "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси ҳамда Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилаётган кўрик-танловнинг вилоят босқичи якунлари Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида ташкил этилган тадбирда эълон қилинди.

"Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз" шиори остида ўтказилган ушбу танловнинг “босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари”, “телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари”, “интернет-журналистика”, “журналистлар томонидан нашр этилган публицистик мавзудаги китоблар”, “ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари” ва “тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари” йўналишларида ғолиб ва совриндорларларига мукофотларни вилоят ҳокимининг ўринбосари Хуршиджон Аҳмедов топширди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-29 11:32:06